



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2023
2-сон



Шахноза Махмудовна Латипова Лизинг хизматларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилишда қўлланилиши	74
Умид Холбоевич Холбоев Хизмат кўрсатиш соҳасида хизматлар самарадорлиги ва сифатини оширишга рақобатнинг таъсирини баҳолаш	79
Нилуфар Зиябаевна Юлдашова Агросервисни ривожлантиришда хорижий мамлакатлар тажрибаси	83
Нигина Маруповна Усманова Китоб савдосини самарали ташкил қилишдаги муаммолар ва уларнинг ечимлари бўйича айрим тавсиялар	87
Фарход Анварович Сафаров Хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини такомиллаштиришда инновацион жараёнларнинг аҳамияти	92
ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ	
Алишер Абдуганиевич Эшгаев Халқаро туризм бозорининг ривожланиш тенденциялари ва унда Ўзбекистоннинг иштироки	97
Shovqiddin Erkin o'g'li Abdurasulov Turizm rivojlanishi sharoitida “ekologik turizm” tushunchasining ijtimoiy-iqtisodiy mohiyati va xususiyatlari	102
Ollonazar Norbek o'g'li Allonazarov Mintaqada mehmonxona xizmatlari faoliyati ko'rsatkichlari tahlili	105
Адхам Итолмасович Рахматов Туризм соҳасида юқори малакали кадрлар билан таъминланганлик даражасига таъсир қилувчи омиллар ва уларни аниқлаш йўллари	109
КИЧИК БИЗНЕС ВА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК	
Юлдуз Пирназаровна Урунбаева Кичик тадбиркорлик ва аҳоли турмуш даражаси: ўзаро боғлиқлиги	115
Мехрангиз Олимовна Мамаюнусова Мамлакатимиз худудларида оила хўжаликларининг таркибий тузилиши ва ўзгариши билан боғлиқ масалалари	119
МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ	
Sanjarbek Komiljon o'g'li Boyjigitov Marketing xizmati samaradorligini baholashning nazariy asoslari va amaliy ifodasi	125
Zulfiya Musayevna Usmanova Kadrlarni boshqarish mexanizmini takomillashtirish muammolari	129
Кахрамон Сайдуллаевич Махмудов Хизматлар сифатини баҳолаш ва назорат қилишнинг ўзига хос жиҳатлари	132
Shokhista Bahridin kizi Turdieva Specific features of the conceptual framework of social marketing	138
Diyor Haqberdiyevich Xolmamatov Ulgurji savdoda sotuvdan keyingi servisni rivojlantirishning marketing strategiyasi	142
МОЛИЯ, ПУЛ МУОМАЛАСИ ВА КРЕДИТ	
Азиза Махомадризовна Каримова Оценка современного состояния рынка и условия кредитования субъектов туристических услуг Республики Узбекистан	148

Бизнинг фикримизча, агросервис корхоналари турли уюшмалар, бирлашмаларга аъзо бўлган ҳолда фаолият кўрсатиши – уларнинг техника воситаларидан унумли фойдаланиши, барқарор ривожланиши, ички ва ташқи бозорда рақобатбардош бўлиши ва юқори даромад олган ҳолда фаолият юритиши учун мустаҳкам асос бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Пардаев М.Қ., Пардаев О.М., Холиқулов А.Н., Бабаназарова С.А. Рақобатбардошликни мустаҳкамлашда кластер ва синергетик самарадорлик таҳлили. Ўқув-услубий қўлланма. Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти босмаҳонаси, 2022.- 213 бет.
2. Власов С.Д. Зарубежный опыт и проблемы инновационного развития сельского хозяйства России // Вестник Саратовского государственного социально-экономического университета. – 2014. – №2. – С. 124-127.
3. Никонов А.Г., Павлов В.И., Черницкий А.К. К вопросу использования зарубежного опыта развития сельского хозяйства и сельских территорий в условиях усиления процессов глобализации // Никоновские чтения. – 2011. – №16. – С. 220-221.
4. The World of Organic Agriculture // <http://www.organicworld.net/yearbook/yearbook-2019.html>. 05.03.2019. Примеры государственной поддержки сельского хозяйства за рубежом // <http://agroinfo.kz/primery-gospodderzhki-selskogo-hozyajstva>. 14.01.2018

<p>Н.Юлдашова</p> <p>Опыт зарубежных стран в развитии агросервиса</p> <p>Аннотация: важным условием экономического развития страны является развитие инновационной деятельности, которая создаёт основу для устойчивого экономического роста и способствует реализации стратегических целей государства. В данной статье описан зарубежный опыт развития агросервисных предприятий в развитых странах. Также в статье изучен, обобщён опыт зарубежных стран по организации службы в сельском хозяйстве, разработаны предложения и рекомендации по внедрению.</p> <p>Ключевые слова: агросервисные предприятия, развитые зарубежные страны, фермерские хозяйства, консультационные центры, кооперативы, ассоциации, техническая служба.</p>	<p>N.Yuldashova</p> <p>Experience of foreign countries in the development of agricultural services</p> <p>Abstract: an important condition for the economic development of the country is the development of innovation, which creates the basis for sustainable economic growth and contributes to the implementation of the strategic goals of the state. This article describes foreign experience in the development of agroservice enterprises in developed countries. The article also studied, summarized the experience of foreign countries in organizing service in agriculture, developed proposals and recommendations for implementation.</p> <p>Keywords: agroservice enterprises, developed foreign countries, farms, consulting centers, cooperatives, associations, technical service.</p>
--	---

Нигина Маруповна Усманова – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти мустақил тадқиқотчиси

КИТОБ САВДОСИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ҚИЛИШДАГИ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ БЎЙИЧА АЙРИМ ТАВСИЯЛАР

Аннотация: мақолада китоб савдосини самарали ташкил қилишдаги муаммолар ва уларнинг ечимлари бўйича айрим тавсиялар қараб чиқилган. Унда халқаро маданият индексига кўра, “Дунёда энг кўп китоб ўқийдиган аҳолига эга мамлакат”лар таҳлили келтирилган. Бу билан боғлиқ бўлган китоб савдосидаги муаммолар еттига йўналишда кўрсатиб берилган. Қайд қилинган муаммоларни бартараф қилиш бўйича юртимизда китоб савдосини такомиллаштиришга қаратилган олтига таклиф ва тавсиялар ҳам шакллантирилган.

Калит сўзлар: китоб, китоб савдоси, китоб ўқиш, китоб нашри, китобга эҳтиёж, китобга талаб, китоб таклифи.

Қириш. Мамлакатимизда китобхонликка ва у билан боғлиқ китоб савдосига катта аҳамият берилиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7

февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 13 сентябрдаги “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги ПҚ-3271-сон Қарори, 2020 йил 16 март куни имзоланган “Ноширлик ва матбаа соҳасини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш, ҳамда 2019 йил 19 март куни илгари сурган 5 та муҳим ташаббусининг, тўртинчи ташаббус ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш, ёшлар маънавиятини юксалтириш, ёшлар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда, унга асосан китоб савдоси хизматларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Ўзбекистон ҳудудида илк бор савдо хизмати соҳаси бўйича қалам тебратган Юсуф Хос Ҳожиб [1] бўлса, бугунги кунда олимлардан Ё.А.Абдуллаев [2], Б.А.Абдукаримов [3], З.Н.Қурбанов [4], Қ.Ж.Мирзаев [8], И.Очилов [5], М.Қ.Пардаев [6, 7, 8, 9], М.М.Мухаммедов [9], М.Э.Пўлатов [10] ва бошқалар ушбу соҳанинг илмий муаммоларини у ёки бу жиҳатларини тадқиқ этиб келмоқдалар. Чунки, ҳозирги кунда мамлакатимизда ёшлар маънавиятини юксалтириш, авлодларимиз томонидан тўпланиб келаётган маънавий тажриба, умум-маданий ва интеллектуал узлуксизлигини сақлаб қолиш учун китобнинг роли катталигини инобатга олиб, китоб савдоси билан шуғулланиш ҳам муҳим соҳалардан бири ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида китоб савдосини самарали ташкил қилишдаги муаммолар ва уларнинг ечимлари бўйича айрим тавсияларни ишлаб чиқишда мантиқий, қиёсий ва солиштирма таҳлил, анализ ва синтез, индукция ва дедукция усуллари билан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Давлат раҳбари китоб савдосига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Чунки китоб ўқиш шу асосда содир бўладиган китобхонлик болаларимизнинг илм даражасини, маънавий етуқлигини ошириб борадиган муҳим омиллардан биридир. Шу туфайли Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2019 йилнинг 19 март куни ёшларга эътиборни кучайтириш, ёш авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш қўникмасини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Бунда тўртинчи ташаббус бевосита “ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга йўналтирилди”¹. Шу тариқа «Китобхонликни ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш» мазмунидаги компаниясига асос солинди. Натижада ОАВ, давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан энг кўп ишлатиладиган кундалик иборага айланиб қолди.

Китобга меҳрни болалик чоғидан бошлаш лозим. Шу туфайли ёшларда китобга меҳр уйғотиш, уларнинг мустақил фикрлаши ва кенг дунёқарашини шакллантириш учун асос бўлади. Бу тадбир уларнинг ҳаёт йўлларида мустаҳкам замин бўлади. Лекин, тан олиб айтиш жоизки, кўплаб қишлоқ ва маҳаллаларда бунинг учун зарур шароит мавжуд эмас. Ҳозирги шароитда кутубхоналар ўрнида ташкил этилган Ахборот-ресурс марказлари (АРМ) ўзларига юклатилган вазифаларни тўлиқ бажара олмаётганлиги ҳам ҳақиқат. Ушбу ҳолатларни ҳисобга олиб, янги ташаббус доирасида ёшлар сонидан келиб чиққан ҳолда жойларга қўшимча китоблар етказиб бериш вазифасини ҳам аниқ белгилаб олиш лозимлигини айнан Юртбошимиз белгилаб берди. Бундан келиб чиқиб, “Давлатимиз раҳбари мутасадди вазирлик ва идораларга “Маърифат қарвони” лойиҳаси доирасида бадиий, маърифий, ижтимоий мавзуларда китоблар чоп этиш ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларга 1 миллион нусхадан кам бўлмаган миқдорда етказиб бериш бўйича топшириқ берди”².

¹ <https://uzdaily.uz/uz/post/5328>.

² <https://uzdaily.uz/uz/post/5328>.

Муҳтарам Президентимиз маҳаллий ҳокимликлар ҳар бир шаҳар ва туман марказида биттадан намунали китоб дўкони ташкил этиши лозимлигини таъкидлаган ҳолда топшириқ берган эди. Бундан ташқари, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигига барча шаҳар ва туманларда кўчма китоб павильонларини жойлаштириш, “Библиобус”ларни йўлга қўйиш орқали қишлоқ ва овуллар аҳолисига кутубхона хизмати кўрсатиш вазифаси юклатилганлиги ҳам аниқ эди. Аммо тадқиқотларимиз кўрсатдики, ушбу вазифа мамлакатимизнинг ҳамма ҳудудларида тўлиқ амалга оширилмаган экан.

Оқибати аниқ. Халқаро маданият индексига кўра, “Дунёда энг кўп китоб ўқийдиган аҳолига эга мамлакат”лар рўйхатига мамлакатимиз кирмай қолган. Буни қуйидаги расмдан ҳам кўриш мумкин (1-расм).

1-жадвал

Халқаро маданият индексига кўра, “Дунёда энг кўп китоб ўқийдиган аҳолига эга мамлакат”лар рўйхати¹

Т/р	Давлатларнинг номи	Бир ҳафта давомида китоб ўқишга сарфланадиган ўртача вақт, соат, дақиқа	Ўртачага нисбатан, %
1.	Ҳиндистон	10:42	165,3
2.	Таиланд	9:24	146,6
3.	Хитой	8:00	126,9
4.	Филиппин	7:36	116,8
5.	Миср	7:30	115,8
6.	Чехия	7:24	114,9
7.	Россия	7:06	112,0
8.	Швеция	6:54	103,8
9.	Франция	6:54	103,8
10.	Венгрия	6:48	102,8
11.	Саудия Арабистони	6:48	102,8
12.	Польша	6:30	100,0
13.	Венесуэла	6:24	99,0
14.	Жанубий Африка Республикаси	6:18	98,0
15.	Австралия	6:18	98,0
16.	Индонезия	6:00	95,2
17.	Аргентина	5:54	87,9
18.	Туркия	5:54	87,9
19.	Испания	5:48	86,9
20.	Канада	5:48	86,9
21.	Германия	5:42	86,03
22.	АҚШ	5:42	86,03
23.	Италия	5:36	85,07
24.	Бразилия	5:12	81,2
25.	Япония	4:06	64,4
26.	Жанубий Корея	3:06	48,5
	ЎРТАЧА ∑/26 (163,8/26)	6:30	100,0

Мазкур жадвалдан кўриниб турибдики, Халқаро маданият индексига кўра, “Дунёда энг кўп китоб ўқийдиган аҳолига эга мамлакат”ларнинг 26 таси танлаб олинган. Ушбу рўйхатда, афсуски Ўзбекистон йўқ. Худди шунингдек, Марказий Осиё мамлакатларидан ҳам бирортаси киритилмаган. Демак, ушбу ҳудудда китоб ўқиш маданияти бўйича дунёда қуйи ўринларда турар эканмиз.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, дунё миқёсида китоб ўқиш бўйича биринчи

¹ Фулом Мирзо. Дунёда энг кўп китоб ўқийдиган мамлакатни биласизми? 9 август 2022. 487. <https://yuz.uz/news/dunyo-da-eng-kop-kitob-oqiydigan--mamlakatni-bilasizmi> Шу маънода берилган маълумотлар асосида муаллифнинг ҳисоб-китоби.

ўринни Ҳиндистон эгаллаб турибди. Бу мамлакат аҳолиси ҳафтада китоб ўқишга 10:42 соат вақт сарфлайди. Бу бир кунда 1 соат 48 дақиқани ташкил қилади. Ушбу кўрсаткич ўртачага нисбатан 165,3 %ни ташкил қилади. Иккинчи ўринда Таиланд бўлиб, бу ерда бир ҳафтада 9:24 соат вақт китоб ўқишга сарфланади. Буларнинг бир кунлиги 1 соату 32 дақиқани ташкил қилади. Бу мамлакатнинг ўртача кўрсаткичга нисбатан даражаси 146,6 %ни ташкил қилади. Учинчи ўринда Хитой турибди. Ушбу мамлакатда ҳар бир инсон бир ҳафтада 8:00 соат, ҳар куни 1 соату 14 дақиқа вақтини китоб ўқишга сарфлар экан. Бу ўртачага нисбатан 126,9 %ни ташкил қилади.

Дунё миқёсида ўртача кўрсаткич шу танлаб олинган мамлакатлар ичида Польшага тўғри келмоқда. Ушбу мамлакатда бир киши ҳар ҳафтада 6:30 соат вақтини китоб ўқишга сарфлар экан. Бу ҳар куни қарийб бир соат вақтини шу хайрли ишга сарфлашлигидан далолат беради. Худди шундай ҳолат Венесуэлада бўлиб, бир ҳафтада 6:24 соат ҳамда Жанубий Африка Республикасида 6:18 соат вақтни китоб ўқишга сарфламоқда.

Китоб ўқиш бўйича 26 та мамлакат ўртасида Япония 25-ўринни эгаллаб турибди. Бу мамлакатда ҳар ҳафтада одамлар 4:06 соат вақтини китоб ўқишга сарфласа, Жанубий Кореяда ҳар бир одамнинг 3:06 соат вақти китоб ўқишга кетади.

Қайси мамлакатда китоб ўқилса, мос равишда китоб савдоси ҳам шу мамлакатда ривож топади. Бироқ дунё миқёсида, шу жумладан мамлакатимизда ҳам китоб савдоси билан боғлиқ муаммолар талайгина. Булар таркибига қуйидагиларни киритишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Биринчидан, ҳозирги пайтда китобларнинг аксарият қисмини нашр қилиш муаллифлар зиммасида қолиб кетмоқда. Улар ўзлари ёзади, ўзлари ҳисобидан нашр қилади, сотиш билан ҳам ўзлари шуғулланади. Натижада яхши ёзилган дурдона асарлар ҳам мамлакатимизнинг барча ҳудудларига етиб бормайди. Бу айниқса илмий асарлар учун ҳам жуда аҳамиятлидир.

Иккинчидан, бугунги кунда китоб ўқишга, китобхонликка катта аҳамият берилиб турган бир паллада уни сотиш масаласи билан деярли бирорта ташкилот ёки корхона шуғулланмайди. Фақат китоб дўконлари ихтиёрига ташлаб қўйилган. Буларнинг нарҳини назорат қиладиган бирорта ҳам ташкилот йўқ.

Учинчидан, нашр қилинган китоб маҳсулоти республикамиз ҳудудларига тенг тақсимланмайди. Айниқса мамлакатимизнинг чекка ҳудудларга китоблар умуман етиб бормайди. Бир маҳалла фуқаролар йиғинига қарайдиган 4-5 та қишлоқнинг бирортасида китоб дўконлари фаолият кўрсатмайди.

Тўртинчидан, мамлакатимиз миқёсида китоб савдоси бўйича аниқ статистикани ҳеч ким юритмайди. Китоб савдосини мувофиқлаштирадиган бирорта ташкилот йўқ. Натижада китоб савдосининг ҳолатига мамлакат миқёсида ҳам ва унинг ҳудудларида ҳам аниқ ҳисоб-китоб юритиш имконияти ҳам йўқ.

Бешинчидан, китоб савдоси билан боғлиқ “электрон китоб савдоси” ҳам ҳамон йўлга қўйилмаган. Натижада жуда кўп зарур китоблар ўқувчиларга етиб бормаяпти ва ўқилмасдан қолиб кетмоқда. Натижада мамлакат аҳолисининг маънавий юксалишига салбий таъсир қилиши мумкин.

Олтинчидан, мамлакатимиз миқёсида қайси муаллифнинг қайси китоби яхши сотилаётганлиги тўғрисида ҳам деярли маълумотларни олиш қийин бўлмоқда. Китобларнинг сифати ҳам ҳамма нашриётларда ҳам талаб даражасида эмас. Айримларида турли грамматик ва стилистик хатоликлар бўлса, айримларининг шакли мазмунига унчалик мос бўлмай қолган ҳоллар ҳам кўп учраб турмоқда.

Еттинчидан, китоб савдоси ўзига хос савдо тури бўлиб ҳисобланади. Аммо ушбу соҳа бўйича махсус ўқув муассасаси йўқ ва натижада шу соҳа кадрларининг малакасини ошириш масаласи ҳам муаммолигича қолиб келмоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг етакчи йирик нашриётларида, хусусан «Ўзбекистон» НМИУ, «Шарқ» НМАК, «Академнашр» НММ МЧЖ, “Фан ва технология матбаа-уи” каби нашриётларда онлайн китоб савдоси йўлга қўйилган. Хусусан, «Ўзбекистон» НМИУ нашриётнинг расмий веб-сайтида онлайн китоб харид қилиш

модули яратилган. Ушбу модул ишга туширилиб, йилдан-йилга такомиллаштирилиб борилмоқда. Худди шундай, «Шарқ» НМАКнинг www.sharq.uz сайтида онлайн китоб савдоси йўлга қўйилган. Харидорлар учун янада қулайликлар яратиш учун янгича замонавий кийфадаги сайт яратилмоқда. Бунда китобларни онлайн сотиб олиш билан бирга уларнинг электрон шаклини ҳам юклаб олиш имконияти яратилади. «Академнашр» НММ МЧЖ нашриётидан китобларини ўқувчилар сайтдан ёки ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларидан сотиб олиш имкониятларига ҳам эга.

Хулоса ва таклифлар. Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, юртимизда китоб савдосини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ҳам шакллантирилди. Бунда асосий эътибор юқоридаги муаммоларни бартараф қилиш йўллариغا қаратилди. Булар нималардан иборат? Фикримизча, юқоридаги муаммоларни ҳал қилишга қаратилган тадбирлар таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин.

Биринчидан, олдинги даврда фаолият кўрсатган “Китоб почтаси”ни қайтадан тиклаш мақсадга мувофиқ. Чунки олдинлари қайси шаҳарга борсак, китоб дўконига кириб китобни харид қилиб олар эдик ва шу жойнинг ўзидан почта орқали уйга жўнатар эдик. Биз айланиб келгунча китоб ҳам почта орқали етиб келган бўлар эди. Бу охириги пайтларда йўқолиб кетди. Буни қайтадан замонавий тарзда тиклаш мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, соҳа учун етук кадрларни етиштиришни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ. Бунда дунёга машҳур дурдона асарларни ўзбекчалаштиришга ҳаракат қилиш керак. Айниқса чет тилидан таржима қилинадиган бундай китоблар малакали кадрлар томонидан амалга ошириладиган бўлса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Учинчидан, китоб савдосини йўналишлар бўйича (бадий, илмий, сиёсий ва ҳ.к.) олиб бориш ҳам мақсадга мувофиқ. Бу адабиётлар тегишли йўналишларда ўз аксини топишлари лозим. Ҳозирги ҳолатда тегишли китоб билан таъминланганлик даражаси худудлар ва мутахассислар кесимида ҳам аниқлаш қийин.

Тўртинчидан, китоб тарғиботини реклама орқали амалга ошириш ҳам мақсадга мувофиқ. Бунда телевидение (ТВ), радио, интернет ва кўчадаги баннерлардан фойдаланиш мумкин. Бу албатта китоб нархининг биров ошишига сабаб бўлади, аммо бу ўзини оқлайди. Бунинг учун китобсеварлар авлоди шаклланиши лозим.

Бешинчидан, нашриётлар имкон қадар ҳар бир китоб бўйича эҳтиёжни ўрганиши лозим бўлади. Чунки кўпгина китоблар эҳтиёждан жуда кам. Бу ҳолат китобхонларнинг китоблардан бебахра қолишига олиб келади ва вақт ўтиши билан шунга кўникиб қолиши ҳоллари рўй бермоқда. Ҳар бир ноёб китобларни тегишли худудлар кесимида тақсимланиб, китоб савдосини йўлга қўйиш лозим. Китоб савдоси билан шуғулланадиган корхоналар жойларда китобларга бўлган эҳтиёжни ўрганиб, тегишли буюртмаларни бериб бориши лозим.

Олтинчидан, нашриётлар ишларини мувофиқлаштириш мақсадга мувофиқ. Ҳозир ҳар бир нашриёт ҳар йили октябрь-декабрь ойларида ўзиларининг келгуси йил учун нашрлар режасини ишлаб чиқади. Бунда маълум даврда демографик, иқтисодий, ижтимоий ва очик манбалардаги маълумотлар асосида умумий статистик таҳлиллар олиб борилади. Эътиборлиси, бунда аҳоли қатлами, мактабгача таълим муассасаси, мактаб, коллеж, лицей, олий ўқув юртлари ўқувчи ва талабалари сони, ёши, фаолият йўналиши, қизиқишлари инобатга олинади. Аммо буни мамлакат миқёсида яхлитлаштириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг (Саодатга йўлловчи билим). Тошкент, 1971.;
2. Абдуллаев Ё. Китобхонлик ва осудалик. - Т.: «Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi», 2022. – 412 бет;
3. Абдукаримов Б.А. Ички савдо иқтисодиёти. Дарслик. - Т.: «Iqtisod-Moliya», 2010.
4. Қурбонов З.Н. Матбуот китоб савдоси фаолиятини бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилини такомиллаштириш. и.ф.н. даражасини олиш учун ёзилган диссерт.автореферати – М.МКИ, 1992 й.-18 бет.

5. Очилов И. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари. Монография. - Т.: “Iqtisod-moliya”, 2011.;
6. Пардаев М.Қ., Очилов И.С. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари. Монография, Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2011-172 б.;
7. Пардаев М.Қ., Бабаназарова С.А., Очилова Ҳ.Н., Кўзиев З. Таълим хизматлари ва уларнинг самарадорликни ошириш масалалари. Монография, Т.: “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”, 2020 -260 бет.
8. Пардаев М., Мирзаев Қ., Пардаев О. Хизматлар соҳаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2014. 384 бет.
9. Пардаев М.Қ., Мухаммедов М.М. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш – устувор масала. “Сервис” Ж. №1, 2009.;
10. Пўлатов М.Э. Интеллектуал капитал ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш. И.ф.д. дисс. автореферати. Тошкент., ТДИУ. 2017 й. 63 б.

Н.Усманова	N.Usmanova
Проблемы эффективной организации книжной торговли и некоторые рекомендации по их решению	Problems of the efficient organization of the book trade and some recommendations for their solution
<p>Аннотация: в статье рассматриваются проблемы эффективной организации книжной торговли и некоторые рекомендации по их решению. В ней приводится анализ «Страны с самым грамотным населением в мире» согласно Международному индексу культуры. Родственные проблемы в книжной торговле показаны в семи направлениях. Для устранения указанных проблем сформулированы шесть предложений и рекомендаций, направленных на совершенствование книжной торговли в нашей стране.</p> <p>Ключевые слова: книга, книжная торговля, чтение книг, книгоиздание, потребность в книгах, спрос на книги, предложение книг.</p>	<p>Abstract: the article deals with the problems of the effective organization of the book trade and some recommendations for their solution. It provides an analysis of the "World's Most Literate Countries" according to the International Culture Index. Related problems in the book trade are shown in seven directions. To eliminate these problems, six proposals and recommendations aimed at improving the book trade in our country have been formulated.</p> <p>Keywords: book, book trade, reading books, book publishing, need for books, demand for books, supply of books.</p>

Фарход Анварович Сафаров – СамИСИ “Иқтисодий таҳлил ва статистика” кафедраси доценти в.б., PhD.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ИННОВАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

<p>Аннотация: мазкур мақола хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини такомиллаштиришда инновацион жараёнларнинг аҳамиятига бағишланган. Унда инновация тушунчаси, унинг таърифи ва хусусиятларига бўлган ёндашувлар таҳлил қилинади. Инновацияларнинг иқтисодий самарадорликни таъминлаш воситаси сифатида тадқиқи амалга оширилган. Шу билан бир қаторда, мамлакатларнинг инновацион жиҳатдан ривожланганлик даражасини баҳолаш воситаси сифатида кўриладиган инновацияларнинг глобал индекси тўғрисида фикр юритилган. Ушбу соҳада мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг аҳамияти тўғрисида маълумот берилган.</p> <p>Калит сўзлар: хизмат кўрсатиш, инновация, янгилик, илмий-техник янгилик, самарадорлик, таракқиёт, глобал инновацион индекс.</p>

Кириш. Бугунги кунда ҳар қандай иқтисодиётнинг ривожланиши янги истеъмол қийматини яратиш, молиявий натижаларни яхшилаш ва самарадорликни ошириш учун ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва истеъмол жараёнларида янгиликлардан фаол фойдаланишга асосланади. Шу билан бир қаторда, инновациялар ҳаёт сифати ва хавфсизлигини ошириш ҳамда атроф-муҳитга салбий таъсирни камайтириш орқали жамият фаровонлигига ўз ҳиссасини қўшади. Ортиқча ишлаб чиқариш қувватлари, рентабелликнинг пасайиши,

ISSN 2091-5187

∞ “СЕРВИС” ∞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

2.06.2023 йилда теришга берилди. 21.06.2023 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт
табағи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0045А/23.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2023